



ijtimoiy-iqtisodiy gazeta

# O'zbekiston bunyodkori

Строитель Узбекистана

№47 (1000)

2026 йил 23 июнь, сешанба

Газета 2016 йил 25 июлда  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида  
0874-рақам билан рўйхатга олинган.



Ягона Ватан,  
ягона халқ  
булиб,  
янги ҳаёт  
ва келажак  
яратамиз!

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 35 йиллигига

## Ўзбек юртининг кўзгуси

Хар кун тонгда ёшлару  
кексалар пойтахтимизнинг  
қадимий маскани – Қорасарой  
томон йўл олиши одатий ҳолга  
айланди. Мана неча ойларки бу  
масканда ноёб – Ўзбекистондаги  
Ислон цивилизацияси маркази  
кўرғазмаси намоиш этилмоқда.

**Эркин ЭРНАЗАРОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган журналист.  
Ў.А.

Бу масканда Давлатимиз раҳбарининг ўз  
тарихимизга, буюк аждодларимиз меросига ва  
халқимизнинг маънавий илдишларига бўлган  
юксак ҳурматининг ёрқин тимсоли – юртимиз  
тарихига доир ислон цивилизацияси тарихи  
намоиш этилмоқда. Бу шунчаки оддий кўр-  
ғазма эмас, балки халқимизнинг кўп асрлик та-  
рихи, илм-фани, маданияти, диний-маърифий  
қарашлари ва жаҳон тамаддунига қўшган улкан  
ҳиссасини намоён этувчи йирик илмий-маъри-  
фий мажмуа сифатида шакллантирилган.

Айни пайтда ушбу кўрғазманинг очилиши  
янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган маъ-  
навий юксалиши, тарихий хотирани тиклаш,  
миллий ўзлиқни англаш ва буюк аждодларимиз  
меросини замонавий асосда тарғиб этишнинг  
мантқиқий давомидир.

Ушбу маскан шунингдек, ёшларимизни илм-  
га, тафаккурга, ватанпарварликка ва миллий

гурурга қорлайдиган, уларни бой тарихимиз ва  
бебаҳо маънавий меросимиз руҳида тарбия-  
лайдиган улғу даргоҳ бўлиб хизмат қилмоқда.  
Мамлакатимизда Ислон цивилизацияси мар-  
кази тарихи ва бугунги кўни намоиш этила-  
ётгани Президентимизнинг халқимиз тарихий  
қудрати ва маънавий салоҳиятини дунёга намо-  
ён этиш йўлидаги эзгу саъй-ҳаракатларининг  
ёрқин меваси сифатида юртимиз фахри бўлади.

Айни пайтда ҳозирнинг ўзида Ўзбекистон-  
даги Ислон цивилизацияси маркази раҳбари-  
яни номига Париж шаҳридан нуфузли халқаро  
меъморий мукофот – "Prix Versailles" танлов кў-  
митасидан расмий мактуб олинди. Ушбу мак-  
тубда Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси  
маркази "Prix Versailles" талқинига кўра 2026  
йилнинг дунёдаги энг гўзал музейлари рўйха-  
тига киритилгани маълум қилинган. Мазкур  
рейтинг инновационлик, креатив ёндашув,  
миллий меросни ақс эттириш ҳамда экологик  
самарадорлик каби қатъий мезонлар асосида  
шакллантирилади. "Prix Versailles" бош котиби  
Жером Гуаден ўз мактубида мазкур саралаш  
муносабати билан самимий табриқлар йўллаб,  
Марказнинг 2026 йилги рўйхатда иштирокини  
тасдиқлаш бўйича расмий йўриқномани ҳам  
тақдим этган.

"Prix Versailles" – замонавий меъморий, ма-  
даный ва эстетик муҳитни шакллантираётган  
энг илғор лойиҳаларни ҳар йили эътироф этувчи  
дунёдаги гўяг нуфузли мукофотлардан бири ҳи-  
سوبланади. Ислон цивилизацияси марказининг  
мазкур рўйхатга киритилиши унинг концепция-  
си, рамзий маънодорлиги ҳамда Евроосиё гума-  
нитар макони ривожига қўшаётган  
ҳиссасининг халқаро миқёсда эъти-  
роф этилганини англатади.



## Рақамлаштириш ва энергиясамарадорлиги – муҳокама марказида

Қурилиш ва уй-жой коммунал  
хўжалиги вазири ўринбосари  
Озода Жўраева иштирокида  
кўп квартиралли уйларни куз-  
қиш мавсумига тайёрлаш,  
энергиясамарадорлигини  
ошириш ҳамда соҳага оид  
белгиланган вазифалар ижросига  
бағишланган йиғилиш бўлиб  
ўтди. Унда вазирликнинг ҳудудий  
бошқармалари масъуллари,  
департамент вакиллари иштирок  
этиди.



Йиғилиш давомида кўп квартиралли уйларни  
бошқариш тизимини рақамлаштириш, соҳада  
замонавий ахборот технологияларини кенг жо-  
рий этиш, уй-жой фондини куз-қиш мавсумига  
сифати тайёрлаш, энергия самарадорлигини  
ошириш, шунингдек, таъмирлаш ва ободон-  
лаштириш ишларини белгиланган режа-дас-  
турлар асосида ташкил этиш масалалари муҳо-  
кама қилинди.

Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари-  
нинг 48-сонли қарорига мувофиқ кўп квартира-  
ли уйларни бошқариш тизимини рақамлашти-  
риш коммунал соҳани ривожлантиришнинг  
устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.  
Шу боис, ҳудудларда мавжуд маълумотлар ба-  
заларини шакллантириш, кўп қаватли уйлар  
ва уларга хизмат кўрсатувчи ташкилотлар фао-  
лиятига оид маълумотларни электрон плат-  
формалар орқали юритиш ҳамда бошқарув  
жараёнларининг шаффофлигини таъминлаш  
бўйича ишларни жадаллаштириш зарурлиги  
қайд этилди.

Йиғилишда энергиясамарадорлигини оши-  
риш, кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига  
пухта тайёрлаш, муҳандислик-коммуникация  
тармоқларини соз ҳолатга келтириш, таъмир-  
лаш ва ободонлаштириш ишларини тасдиқлан-



ган режа-графиклар асосида амалга ошириш  
юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳам тахлил  
қилинди.

– Президентимиз томонидан қабул қилин-  
ган қарор бошқарув тизимини такомиллашти-  
риш билан бирга, кўп қаватли уйларга хизмат  
кўрсатиш соҳасини янги босқичга олиб чиқиш-  
ни назарда тутади, – дея таъкидлади Озода  
Жўраева. – Рақамлаштириш тизимда шаффоф-  
лик, самарадорлик ва аҳолига хизмат кўрсатиш  
сифатини яхшилашда муҳим омил ҳисобла-  
нади. Ҳар бир ҳудудда бу йўналишдаги ишлар  
амалий натижалар билан намоён бўлиши керак.

Шунингдек, айрим ҳудудларда масъул хо-  
димларнинг рақамли технологиялар ва ахбо-  
рот тизимлари билан ишлаш кўникмаларини



янада ривожлантириш, уларнинг малакасини  
мунтазам ошириб бориш зарурлиги қайд этил-  
ди. Бу борада ўқув-семинарлар ва амалий тре-  
нингларни кенг йўлга қўйиш, замонавий рақам-  
ли ечимлардан самарали фойдаланиш муҳим  
экани таъкидланди.

Йиғилиш якунида масъулларга рақам-  
лаштириш жараёнларини жадаллаштириш, кўп  
квартиралли уйларни куз-қиш мавсумига пу-  
хта тайёрлаш, таъмирлаш ва ободонлаштириш  
ишларини режа-дастурлар асосида ўз вақти-  
да амалга ошириш, энергиясамарадорлигини  
ошириш ҳамда аҳолига кўрсатилаётган хиз-  
матлар сифатини янада яхшилаш юзасидан те-  
гишли топшириқлар берилди.

Ўз мухбиримиз.



## Бугун “O'zbekiston bunyodkori” газетасининг 1000-сони муштарийлар эътиборига ҳавола этилмоқда.

Таъсис этилганига салкам 10 йил бўлган ма-  
кур нашр мамлакатимиз қурилиш ва коммунал  
соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар  
билан аҳолини мунтазам таништириб бор-  
моқда.

Бир қарашда кичик муддатдек кўринган  
ушбу давр мобайнида газета олдида қўйилган  
улкан ва масъулиятли вазифани адо этишда

қўллаб-йўлдошлар муносиб меҳнат қилдилар.  
Матбуот ва маънавиятга бефарқ бўлмаган мута-  
сат раҳбарлар тахририятни қўллаб-қувват-  
ладилар.

Бугунги сондан ўрин олган мақолада ҳам ана  
шулар ҳақида батафсил сўз юритилган.



uzbunyodkor.uz



info@uzbunyodkor.uz



uzbunyodkor



t.me/uzbunyodkor



uzbunyodkor



qurilish.today



# Ўзбек юртининг кўзгуси

➔ 1 Бу глобал рўйхатга киритилиш Марказнинг минтақанинг меъморий доминантаси ва Ўзбекис-тоннинг замонавий маданий юксалиш рамзи сифатидаги мақомини янада мустаҳкамлайди. Ушбу қарор мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг муаллифлик лойиҳаси замона-вий музей ва маданий ташаббуслар орасида энг аҳамиятлиларидан бири сифатида юксак баҳо-ланганини тасдиқлайди.

Ислом цивилизацияси маркази оддий му-зей ёки меъморий иншоот сифатида эмас, бал-ки халқимизнинг кўп асрлик тарихи, илм-фа-ни, маданияти, диний-маърифий қарашлари ва жаҳон тамаддунига қўшган улкан ҳиссасини намоён этувчи йирик илмий-маърифий мажмуа сифатида шакллантирилди. Шу жиҳатдан, мар-каз Янги Ўзбекистоннинг ўз ўтмишини чуқур англаган ҳолда келажак сари дадил интилаётга-нини ифода этади.

Ислом цивилизацияси маркази нафақат юр-тимиздаги, балки бутун минтақадаги энг йирик илмий-маърифий мажмуалардан бири сифа-тида эътироф этилмоқда. Аждодларимизнинг илм-фан, ҳадис, калом, фикҳ, фалсафа, тибби-ёт, астрономия, меъморчилик ва бошқа кўплаб йўналишлардаги улкан мероси муҳассам. Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Бурҳониддин Марғиноний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби аллома-ларимизнинг бой илмий-маънавий хазинаси

айнан шу марказ орқали янги авлодга ва халқа-ро жамоатчиликка янада таъсирчан тарзда тақ-дим этилган.

Расмий хабарга кўра, Марказ нафақат 2026 йилнинг энг гўзал музейлари рўйхатига киритилган, балки 2026 йил учун учта олий жаҳон унвонларидан бирига даъвогарлик қилиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритган. Булар – “Grand Prix Versailles”, “Интерьер” номинацияси ёки “Экстерьер” номинациясидир. Жаҳон унвонла-ри соҳибларини тантанали эълон қилиш ма-росими 2026 йил якунида Париж шаҳридаги ЮНЕСКО қароргоҳида ёки Мукофот котибияти томонидан белгиланадиган бошқа қабул қилув-чи шаҳарда ўтказилиши режалаштирилган.

“CNN” телеканали Ислом цивилизацияси марказини “Замонавий даврнинг энг кўламли маданий лойиҳаларидан бири” дея таърифлаб, унинг ўзига хос фазовий кўрсаткичларини алоҳида таъкидлаган. Бугунги кунда Марказ минтақанинг энг кўп ташриф буюриладиган маданий-илмий масканларидан бирига айлан-ди: ҳар куни унга 5 000 нафаргача киши ташриф буюрмоқда, бу эса ҳам Ўзбекистон фуқаролари, ҳам хорижий меҳмонлар томонидан қизиқиш юқори эканлигидан далолат беради.

“Guinness World Records” унвонининг бери-лиши нафақат лойиҳа кўламининг эътирофи, балки уни амалга оширишда иштирок этган юзлаб мутахассислар, олимлар ва экспертлар меҳнатига берилган юксак баҳодир.



Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдухаликов ўз нутқида шундай таъ-кидлади:

“Шубҳасиз, ушбу мукофот Ўзбекистон Рес-публикасининг муҳтарам Президенти Шавкат Мирзиёевнинг муаллифлик лойиҳасига берил-ган муносиб эътироф ва мукофотдир. Муҳтарам Президентимиз томонидан фаолиятимиз учун барча зарур шароитлар яратиб берилди ва бу-гунги кунда бизнинг асосий мақсадимиз – Ўз-бекистоннинг бой маданий меросини сақлаш ва оммалаштириш, шунингдек, муқаддас Ислом динимизнинг эъгулик, тинчлик, маърифат ва бағрикентлик дини сифатидаги инсонпарвар ғояларини тарғиб қилишга қаратилган кенг кўламли илмий-маърифий лойиҳаларни амал-га оширишда ушбу салоҳиятдан самарали фой-даланишдир”.

“Guinness World Records” мақомининг оли-ниши Ўзбекистоннинг Ислом фани, маданияти ва маърифатининг муҳим туристик ва тарихий марказларидан бири сифатидаги ролини мус-таҳкамлайди. Бу, шунингдек, Марказнинг ўзаро ҳурмат, бағрикентлик ва маданий хилма-хил-лик тамойилларига асосланган цивилизация-лараро мулоқотнинг замонавий платформаси сифатидаги аҳамиятини тасдиқлайди.

Айниқса, VII асрга мансуб Усмон мусхафи-нинг марказга жойлаштирилгани жамоатчи-ликда катта қизиқиш уйғотди. Шунингдек, за-монавий кутубхона, илмий лабораториялар ва мультимедиа технологиялари билан жиҳозлан-ган кўргазма заллари марказнинг инновацион салоҳиятини намоён этмоқда.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, марказ нафақат миллий меросни сақлаш, балки уни

халқаро миқёсда тарғиб этишда ҳам муҳим ўрин тутаети. Қисқа вақт ичида у халқаро экспертлар ва сайёҳлар диққатини жалб этиб, Ўзбекистон-нинг маданий дипломатиясида янги босқични бошлаб бериб.

Давлатимиз раҳбари марказнинг фаолияти ва аҳамияти ҳақида тўхталиб: “Ислом цивилизация-сининг, ислом таълимотининг замини – аслида илм-фан, маданият, таълим ва тарбиядир. Биз барпо этаётган марказнинг бош ғояси, асоси ҳам шу. Энг муҳим томони – юртимиздаги ислом ма-данияти билан боғлиқ бир неча минг йиллик қа-димий ўтмиш бир жойда – мана шу мажмуада му-жассам бўлади. Марказ билан танишган одам ана шу тарихни яққол кўриб, ислом дини, бу аввало, тинчлик, тараққиёт ва бағрикентлик дини экан-лини, ўзбек халқининг дунё тамаддунига қўшган буюк ҳиссасини англайди, – деб таъкидлаган.



## Шуманай туманига медиа-тур ташкил этилди

Шуманай ҳокимлиги томонидан туманда амалга оширилаётган қурилиш ишлари ва эришилаётган ижобий натижаларни оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчиликка яқиндан таништириш мақсадида медиа-тур ташкил этилди.

Омирбай ЕСБЕРГЕНОВ,  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Медиа-турда туман ҳокимининг ўринбосари А. Мамбетжанов, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар иштирок этди. Дастлаб, пресс-тур иштирокчилари Ўзбекистон Респу-бликаси Президентининг 2025 йил 27 декабрдаги махус қарори билан “Ақжап” овул фуқаролар йиғини ҳудудда қурилаётган 90 ўринли мак-табгача таълим ташкилотининг қурилиш май-донида бўлиб, амалга оширилаётган ишлар билан танишди.

Ушбу объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжат-лари ишлаб чиқилган бўлиб, умумий лойиҳа қиймати 5 миллиард 858,6 миллион сўми таш-кил этади. Ҳозирги кунда “Перспектива монтаж Нукус” масъулияти чекланган жамияти томони-дан ташқи пардозлаш, электромонтаж ва бино-нинг томинини ёпиш ишлари олиб борилмоқда.

Шундан сўнг, иштирокчилар “Бирлешик” овул фуқаролар йиғини ҳудудда жойлашган 27-сонли умумтаълим мактабининг янги бино-си қурилиш ишларини бориб кўрди. Мазкур лойиҳа Ўзбекистон Республика-си Президентининг 2025 йил 14 августдаги “Қорақалпоғистон Республикасини ижтимо-ий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни янада жадаллаштириш тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширил-моқда ва умумий лойиҳа қиймати 6 миллиард 969,1 миллион сўмни ташкил этиб, бугунги кун-да “REAL-ENGINEER” масъулияти чекланган жа-мияти томонидан пойдевор қуйиш ишлари да-вом этмоқда.

Медиа-тур давомида оммавий ахборот воситалари вакиллари ва блогерлар қурилиш жараёнлари, бажарилаётган ишлар сифати ва истиқболдаги режалар ҳақида батафсил маълум-лотларга эга бўлди.

Тадбир доирасида оммавий ахборот воси-талари вакилларининг тумандаги инфратузил-ма объектларига ташрифи ҳам ташкил этилди. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кен-гесининг 2025 йил 15 июль кунги 293-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида “Бегжан” овул фуқаролар йиғини ҳудуддаги “Уйғур” овулининг ички йўлида амалга оширил-ган ободонлаштириш ишлари билан танишди.

Ушбу ҳудудда Шуманай тумани Ободонлашти-риш бошқармаси томонидан 0,45 километрлик масофага кум-шағал аранлашмаси ётқизилган. Шунингдек, медиа-тур иштирокчилари “Оғир ҳудудлар” дастури доирасида амалга оши-рилаётган йирик йўл қурилиши лойиҳасини ҳам кўздан кечирди. Хусусан, Шуманай тумани



марказини халқаро аҳамиятга эга бўлган А-380 автомобиль йўли билан боғловчи D235 (4R-177) автомобиль йўлининг 45-67-километри ора-лигида таъмирлаш ва қора қопламали асфальт ётқизиш ишлари олиб борилмоқда. Медиа-тур давомида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олди.

## Ҳар бир маҳалла эътиборда

Юртимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, аҳоли учун муносиб турмуш шароитларини яратиш ҳамда ижтимоий инфратузилмани мустаҳкамлаш давлат сиёсати даражасидаги устувор вазифалардан бирига айланган. Бу борада қабул қилинаётган дастур ва қарорлар шаҳарлар қаторида қишлоқларни ҳам қамраб олди. Натижада чекка ҳудудларда ижобий ўзгаришлар юзага келди.

Зулфизар МАВЛОНОВА,  
“O'zbekiston bunyodkori” мухбири.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Пре-зидентининг 2021 йил 18 сентябрдаги “Ислом тараққиёт банки ва ОПЕК халқаро тараққиёт жамғармаси иштирокида “Қишлоқ жойларни барқарор ривожлантириш” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур лойиҳа доирасида ҳудудларни ҳар то-монлама ривожлантириш, ичимлик суви ва электр энергияси таъминоти ҳамда йўл-транс-порт инфратузилмасини яхшилаш даражаси ошди. Таълим, тиббиёт ва бошқа ижтимоий соҳа объектларини қуришга алоҳида эътибор қара-тилмоқда.

Бухоро вилояти Шофиркон туманида ҳам ана шу эзгу мақсадлар йўлида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Вазирлар Маҳқа-масининг энергия самарадорлигини ошириш-га қаратилган лойиҳаларни жадаллаштириш тўғрисидаги қарори асосида 2025-2026 йил-ларида мулжалланган манзилли дастур ишлаб чиқилган. Дастур доирасида таълим, мактабгача таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларини ре-конструкция қилиш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ҳамда энергиятежам-кор технологияларни жорий этиш учун қарий 50 миллиард сўм маблағ йўналтирилмоқда.

Таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар кўлами, айниқса, эътиборга молик. Уму-мий қиймати 35 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ҳисобидан бир қатор мактабларда мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилади. Хўжа Ориф маҳалласидаги 1-сонли, Дўрмен маҳалласи-даги 27-сонли, Талисангобод маҳалласидаги 32-сонли ҳамда Хорин маҳалласидаги 48-сонли умумтаълим мактаблари замонавий талаблар асосида янгиланади. Натижада, ўқув хоналари, лабораториялар, спорт заллари ва ёрдамчи би-нолар тубдан яхшиланиб, ўқувчилар учун хавф-



сиз ва қулай таълим муҳити яратилади. Энг муҳими, биноларда энергиятежамкор техноло-гиялар қўлланилиши ҳисобига иссиқлик сама-радорлиги оширилади ва эксплуатация хара-жатлари камаяди.

Мактабгача таълим муассасаларини ян-гилаш ҳам дастурнинг муҳим йўналишлари-дан ҳисобланади. Бу мақсадлар учун 11 мил-лиард 100 миллион сўм маблағ ажратилган. Сўлтанобод маҳалласидаги 18-сонли, Шодлик маҳалласидаги 19-сонли ҳамда Нурафшон маҳалласидаги 30-сонли мактабгача таълим ташкилотларида мукаммал таъмирлаш ишла-ри амалга оширилади. Таъмирлаш жараёнида гуруҳ хоналари, ошхоналар, ётоқхоналар, ўйин майдончалари ва санитария тизимлари янги-ланади. Шу билан бирга, муассасалар замона-вий энергия тежамкор ускуналар билан жиҳоз-ланади. Якунда 270 нафардан ортиқ болажон учун барча талабларга жавоб берадиган тарбия муҳити яратилади.

Бундан ташқари, 200 метр ариқ ўзани бе-тонлаштирилди ва бу ишлар изчил давом эт-тирилмоқда. Яқин вақтларда ичимлик суви тармоқларини қуриш ишларига ҳам киришиш режалаштирилган. Айти пайтда маҳалла хиз-мат кўрсатиш масканини барпо этиш бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, туман мар-каздан 12 километр узоқликда жойлашган, бир томони Қизилқум бағрига, иккинчи томони ви-лоятнинг Пешку тумани ҳудудига туташ Тали-санг, Янгиқушлоқ, Искоғаре, Чуқурак, Жўйнав, Ғуломте, Талисафед маҳаллаларида бугунги кунда 7 мингдан ортиқ хонадон ва 10 мингдан зиёд оила истиқомат қилади. Ушбу ҳудудлар-да 39 минг нафардан зиёд аҳоли яшайди. Шу боис, мазкур маҳаллаларда инфратузилмани яхшилаш, электр энергияси, ичимлик суви ва сўлаттирилган газ таъминотини мустаҳкамлаш, йўлларни таъмирлаш, таълим ва тиббиёт му-ассасаларини замон талаблари асосида янги-лашга қаратилган лойиҳалар босқичма босқич амалга оширилмоқда.

Амалга оширилаётган лойиҳалар ўзининг аниқ ижтимоий самараси билан аҳамиятлидир. Ишлар якунланганидан сўнг 2376 нафар ўқувчи замонавий ва шинама мактабларда таълим олиш имкониятига эга бўлади. 270 нафардан ортиқ болалар янгиланган мактабгача таълим му-ассасаларида тарбияланади. Юзлаб фуқаролар эса янада сифатли ва қулай тиббий хизматлардан баҳраманд бўлади.

Шофирконда олиб борилаётган бу бунёд-корлик ишлари инсон қадрини улуғлаш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва келажак авлод учун муносиб ҳаёт шароитларини яратишга хизмат қилади. Энг муҳими, чекка ҳудудларнинг ҳам тараққиётдан четда қолмаётганини, ҳар бир маҳалла ва ҳар бир хонадон манфаати давлат эътиборида эканини яна бир бор намоён эт-моқда.





Дилшод ЖАЛОЛОВ,  
"O'zbekiston bunyodkori" gazetasi  
бош мухarriru.

– Ҳар қандай касбнинг ўзига хос мураккабликлари ва нозик сирлари бўлади, – деди Қашқадарё вилоятининг Муборак туманидаги “Муборак улкан иншоот” БСК раҳбари Ихтиёрбек Фармонов. – Фақатгина ҳавас қилиш орқали ўша соҳани пухта ўзлаштириш мумкин эмас. Айниқса, қурувчилик касби катта маҳорат ҳамда масъулият талаб этади. Шу сабабли, тизимда “Устоз-шогирд”лик анъанасига қатъий амал қилиниб, дастлаб иш бошлаган ҳар қандай кишига тажрибали устоз биркитилиши белгиланган. “Устоз отангдек улуг”, деган гап бор халқимизда: унинг айтганларига сидқидилдан амал қилиб, топшириқларини оғишмасдан ўзлаштирган шогирд ҳеч қачон хатога йўл қўймайди ва вақти келиб, ўзи ҳам ҳар қандай ишни мустақил бажариш даражасига етади.

Бу фикрни айтишимнинг боиси бор. Собиқ ЖЭКлар ўрнида бошқарув сервис компаниялари ташкил қилинган, дастлабки кундан туман марказидаги 30 дан ортқ кўп қаватли уйга хизмат кўрсатиш вазифасини жиммажизга олди. Орадан кўп ўтмай, бу уйлارда яшаётган фуқаролар билан янги тизимнинг афзалликлари тўғрисида батафсил фикрлашиб, мустақкам ҳамкорликни йўлга қўйишга эришдик. Шундай бўлсада, дастлаб ишни нимадан бошлаш керак, бунинг учун нималарга эътибор қаратиш лозим, йиллар давомида тўпланиб қолган муаммоларни тез ва сифатли тарзда бартараф этиш масаласи бизни ўйга толдирди...

Айни шу вазиятда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги муассислигидаги "O'zbekiston bunyodkori" газетаси аниқ режа асосида фаолиятимизни бошлаб, ишларни тўғри ташкил қилишимизда мададкор бўлди. Газетада бунёдкорлик соҳасидаги янгиликлар қаторида бошқарув сервис компаниялари ва бошқа хизмат кўрсатувчилар томонидан амалга оширилаётган ишлар ҳақидаги мақолалардан унумли фойдаланиш ва вилоятлардаги ҳамкасбларимизнинг илғор тажрибаларини ўргандик.

Шу аснода ихтиёримиздаги барча кўп қаватли уйлارда қурилиш-таъмирлаш ишларини бошлаб юбордик. "Кўз қўрқок, қўл ботир" деганларича бор экан. Ҳар қандай ишга чин кўнгилдан киришилса, муаммолар ўз ўрнида ечим топаркан. 2025 йили Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг ташаббуси билан республикада илк бор ташкил этилган



# “O‘zbekiston bunyodkori” газетасининг 1000-сонини чиқди

асосий вазифаларни амалга оширишдек ташкилий ишлар бажарилмасдан туриб, газетани мустақиллигимизнинг 25 йиллигига чиқариш вазифаси турарди. Газетанинг шакл-шамойилини яратиш, унинг саҳифаларида бериладиган мақолаларни тайёрлаш катта заҳмат эди. Мустақиллик йилларида (собиқ иттифоқ даврида "Лавташкентстрой"нинг "Бинокор" газетаси чоп этиларди) қурувчиларнинг алоҳида наشري бўлмагани сабабли унда бериладиган руқнлар, мақолалар ва мавзулар устида бош қотирилди. Шунда устозлар, тажрибали журналистлар марҳум Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист Мурод Абдуллаев, таниқли ёзувчи Алиназар Эгамназаров, марҳум журналист Тўхтамурод Тошевга мурожаат қилинди. Уларнинг кўмаги ва бир қатор ёш, иқтидорли журналистлар Абдували Турсунов, Абдумуталлиб Ўктамов, мутахассислар Бекзод Қосимов, Фарҳод Рўзиматов ва Машқура Абдуллаевларнинг саъй-ҳаракатлари билан янги нашрни белгиланган муддатда чоп эттириш ишлари бошлаб юборилгани, мебеллар йўқлиги сабабли кутилар устига техникаларни жойлаб ишлангани ҳамон эсимда.

Таъкидлаш керакики, ҳамкасблар қўллагани билан, барибир, муҳим ва масъулиятли вазифалар олдимизда қўндаланг бўлиб турарди. Уларни оғишмай адо этишда мазкур қарор муҳим дастуриламал бўлганини алоҳида эътироф этиш жоиз. Маблаг ҳам топилиб, қаровсиз хоналар таъмирдан чиқарилиди, зарур техникалар харид қилинди. Орадан салкам икки ой ўтгач, яъни 25 августда мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги арафасида "O'zbekiston bunyodkori" газетасининг биринчи сони дунё юзини кўрди ва шу санадан бошлаб ўз ўқувчиларига эга бўлди.

## Йиллар ва йўллар

Газетамизнинг дастлабки сони "Озод ва обод ватанга хизмат қилимиз!" шiori остида чоп этилганида ҳам ўзига хос рамзий маъно бор. Жафокаш халқимиз дорилмон кунларни қанчалик интизорлик билан кутганини ёши улуг кишилар яхши билади. Энди эса йиллар силсиласи ўзгариб: оғир ва аламли кунлар ортда қолиб, мустақилликка эришдик. Истиклолнинг дастлабки йилларида қандай аҳволда бўлганимизни барча яхши эслайди. Тинчлигимизни кўролмай, унга раҳна солиш билан ўз йўлимизни танлашимизга, ўсиб келаётган ёшлар маънавиятини бузишга қаратилган турли ҳаракатлар кўп бўлди.

Мана шундай оғир ва синовли дамларда халқимизнинг бирдамлигию давлатимизнинг бу борадаги аниқ мақсадли сиёсати қора кучларнинг ғаразли ниятларини пучга чиқарди. Ҳар қандай ҳуңрезлик ва чалғитишларга қарамай халқимиз истиклолнинг дастлабки кунидан ўз йўлини тўғри танлаганининг самарасидан эндиликда барчамиз манфаатдормиз. Жамиятини юксалтириш орқали одамларга фаровон ҳаёт ва муносиб шароитлар яратиш учун қандай соҳалар мавжуд бўлса, энди улар халқимизга бегона эмас. Қурилиш ва бунёдкорлик, яратувчанлик, саноат ҳамда аграр тармоқ сингари бошқа барча соҳаларда амалга оширилаётган янгиликлар билан ҳар қанча фахрланса арийдик. Халқимиз меҳнати билан яратилаётган турли хил маҳсулотлар дунё бозорларида ўз ўрнини топишмоқда. Бундай ҳаракатлар биз ҳеч қимдан кам эмаслигимизни кўрсатмоқда.

Дорилмон кунларнинг иккинчи босқичида халқ давлатга эмас, давлат халққа хизмат қилади, деган тамойил остида бошланган изчил ислохотлар мустақиллик пойдеворини янада мустаҳкамлади. Шу мақсад йўлида барча соҳалар изчил ривожланмоқда. Айниқса, қурилиш ва бунёдкорлик соҳасига давлат томонидан эътибор кучайтирилгани туфайли кўп қаватли турар жойлар, ишлаб чиқариш корхоналари, маъмурий ҳамда ижтимоий соҳаларда замонавий лойиҳалар билан қамраб олинган иншоотлар қуриб битказилмоқда. Бугун уларда миллионлаб уй-жойга мухтож кишилар яшаётган бўлса, яна бир неча миллион нафар йигит-қизлар янги қурилган корхоналарда замонавий дастдохларни бошқаряпти.

Жамиятимизда бўлаётган бундай эврилишларни бошқа оммавий ахборот воситалари қатори "O'zbekiston bunyodkori" ҳам мунтазам

равишда ёритиб борапти. Асосий йўналиш – бунёдкорлик ва коммунал соҳаси билан қамраб олингани учун қурувчилар, лойиҳа ташкилотлари, шу соҳага кадрлар етказиб берувчи институтлар, халққа хизмат кўрсатаётган сервис компаниялари ҳамда тизимдаги бошқа ташкилотларда меҳнат қилаётган фидойи кишиларнинг саъй-ҳаракатларини халқимизга кечиктирмасдан етказишга интилиймиз.

Айниқса, Давлатимиз раҳбари бошчилигида шахарсозлик соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар ва бунёдкорлик ишлари юзасидан қабул қилинаётган фармон ҳамда қарорларнинг мазмун-моҳиятини халқимизга етказиш, шунингдек, қурилиш материаллари саноатидаги ўзгаришларни мунтазам ёритиб бориш, соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини кенг тарғиб қилиш, уй-жой ва коммунал хўжалиги соҳасида амалга оширилаётган ўзгаришлар, янги қонунлар, норматив ҳужжатларни аҳолининг барча қатламларига ўз вақтида етказиш, тушунтириш орқали уларнинг маънавий-ҳуқуқий онгини мунтазам равишда ошириш – асосий мақсадимиздир.

Яна бир нарсани эътироф этиш жоиз. Ўқувчиларимизнинг сони йилдан-йилга ортиши билан бирга, уларнинг ўзлари ҳам турли мавзуларда мақола ҳамда жойлардаги бунёдкорликлар, амалга оширилаётган лойиҳалар юзасидан хабарлар йўллаб, газетанинг мазмунли чиқишида фаол иштирок этишмоқда. Шунингдек, бир қанча тақлиф ва мулоҳазалар билдириб, унинг янада ўқишли бўлиши ва мавзулар кўпайишига беминнат ҳисса қўлишмоқда.

Олдимизга қўйилган вазифаларни тўғри ва оғишмай амалга оширишда муассисларнинг бевосита қўллаб-қувватлаётгани жамоамизга куч-қувват ва ижодий фаоллик бағишламоқда. Бу бардавом бунёдкорликларни мунтазам ёритиб бориш қаторида, ишчи-ходимларнинг маънавиятини янада юксалтириб, ватанга садоқатли кишилар бўлишини таъминлашга ҳисса қўлишмоқда. Шунингдек, "O'zbekiston bunyodkori"нинг мазмун-мундаражасини бундада яхшилаш, мавзулар ранг-баранглиги ва қўламини ошириш, ўқувчилар сонини кўпайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, тизим ташкилотлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, вилоятлардаги бош бошқармалар, соҳага кадрлар тайёрлаб берувчи институтлар ва бошқа ташкилотлар мунтазам равишда қўллаб-қувватлаб, тақлиф ва тавсияларини берапти.

Бугунги кунда газета жамоаси фақат белгиланган ва тавсия этилаётган мавзулар билан чекланиб қолмасдан, давр билан ҳамнафас ҳолда шу куннинг энг долзарб масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Бунёдкорлик соҳасида эришилаётган ютуқлар, янги корхоналар, замонавий қурилиш материаллари, қурилишга ихтисослашган хорижий корхоналар билан ҳамкорлик, энг чекка қишлоқ ва овулларда кўп қаватли уй-жойлар қурилишининг жадал бораётгани, соҳа ривожига тўсиқ бўлаётган муаммолар, уларга ечим топиш каби қўллаб масалаларда ҳам ўз муносабатини ўқувчига етказиб борапти.

## Улар бизнинг таянч ва суянчимиз

Шу ўринда айтиш керакики, газета чоп этилаётган дастлабки йилларда вилоятларга ижодий сафарларда бўлганимизда худудлардаги тизим ташкилотлари раҳбарларининг оммавий ахборот воситаларига бўлган эътиборини кўрдим. Тизим ташкилотлари ходимлари, жойларда бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган қурувчилару муҳандислар, лойиҳачиларнинг қайси бири билан суҳбатда бўлмайлик, уларнинг ҳаммаси қурувчиларнинг ўз матбуот минбари ташкил этилганидан мамнун эканликларини билдиришганди. Айниқса, 2020 йилгача ҳозирги Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида худудий назорат қилиш инспекцияси раҳбари марҳум Истам Хамроевни илик хотира билан тилга олмоқчиман. Сабаби у кишининг маърифат, маънавият ва газетага бўлган дунёқараши ўзгача эди.

У доимий равишда кўнгирок қилиб, газетанинг навбатдаги сонидида чоп этилган мақолалар бўйича ўз фикрларини билдирарди. Шу билан бирга ўз ҳамкасблари, устозлари ҳақида мақолалар тайёрлаш тақдирларини беради.

Ана шундай инсонлардан яна бири бугунги кунда Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлар кенгаши раиси Козим Тулягановдир. У киши "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи масъулияти чекланган жамияти кузатув кенгаши раиси сифатида ҳам, маърифатли инсон сифатида ҳам газетата доимий равишда ёрдам беришга тайёр эди. Козим Носировичнинг қабулига бирон юмуш ёки тақлиф билан кирилганда аввало, газетанинг бугунги ҳолдаги аҳоли, қандай ёрдам кераклигини сўраб, йиғилишларда барча худудий инспекциялар раҳбарларидан ҳам газета билан ҳамкорликни ривожлантириш масаласини кўн тартибидан туширамасди. Бугунги кунда ҳам Козим Носирович газета билан ҳамкорликни узмаган ҳолда доимий равишда Фахрийлар кенгаши фаолияти ҳақида мақолалар билан тез-тез кишилар қилиб туради.

Хозирда газетани қўллаб-қувватлашда ўз ёрдамларини бераётган қўллаб инсонларни мисол келтириш мумкин. Булар қаторига Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири Шерзод Хидоятлов, вазир ўринбосарлари Давронжон Адиллов ва Тоир Алимовлар, "ЎзТАШКЛИТИ" МЧЖ директори Ўйбодш Магруппов, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДМ директори Бобур Ёлмуродов, "Қишлоқ қурилиш лойиҳа" ДМ директори Илхом Аҳмедов, "Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси Республика маркази" ДМ бош директори Мираббос Иноятлов каби маънавиятни ҳурмат қилувчи инсонларни, яна қўллаб худудий бошқармалар, тизим ташкилотлари раҳбарларини, вазирлик бошқарма ва бўлим бошлиқлари, ходимларини қиритиш мумкин. Уйламанки, улар келгусида ҳам қурилиш соҳасининг республикамиздаги ягона нашрини қўллаб-қувватлашдан чарчасмайди.

Кези келганда, республикамизда нишонланадиган Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун арасида худудлардаги ўзгаришлар, янгиликлар билан халқимизни бохабар қилишда яқиндан қўмақ бераётган худудлардаги мухбирларимиз Ҳамза Шукуров, Омирбай Ёсбергенов, Зие Сирож, Зулфизар Мавлонова, Қишлоа Исматов, Бекзод Ахмадқулов, Ғайрат Бўриев, Шахноза Қаландарова, Дурдона Ёлмуродова, Сардорхон Содиқонов каби журналистлар ва нашрнинг мазмунли чиқишида меҳнат қилаётган газета бош муҳаррири ўринбосари Райхона Хўжаева, мухбирлар Абдусами Ҳақбердиев, Абдумуталлиб Ўктамов, Адҳам Ётамбердиев, Абдулжаббор Алиқулов, Нигора Нозимжоновна, техник-дизайнер Акмал Маҳкамов, мусаххих Марҳамат Муслмонқулова каби ижодкорлар билан елкама-елка турган реклама ва тижорат ишлари бўйича бош менежер Эшмухаммад Халлилов, бош бухгалтер Евгений Манько, бухгалтер Эльмира Мирякубова, ходимлар Шоҳсанам Ҳолчиева, Барно Алиева, Иномжон Хўжақулов, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси Матбуот хизмати ходимларининг сидқидилдан қилаётган ҳақиқатга ташақкур билдиришини истардим. Умуман олганда, газетанинг шу кунгача чоп этилишида заҳмат қекан ва ўз саъй-ҳаракатлари билан унинг ўқишли чиқишида хиссаларини қўшган Усмон Муродов, Баҳодир Ашуров, Дилфуза Тошкенбоева, Дилфуза Хабибова, Исрол Ибодуллоев каби бошқа барча ижодкорлар ва ишчи-ходимларнинг меҳнатларини эътироф этмоқчиман.

Ўзининг 1000-сонини август ойида 1-сонининг 10 йиллигини нишонлаб, ёритилаётган мақолалар ва мавзулари билан халқимиз қалбидан янада чуқурроқ жой олишга ҳаракат қилаётган "O'zbekiston bunyodkori" газетаси жамоаси айни пайтда маррани кенг олиб, ўз олдига катта мақсадларни қўйган. Уларни оғишмасдан босқичма-босқич рўйбета чиқаришда энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳамда унинг таркибидagi корхона ва ташкилотлар ёрдамига таяниб, бундан кейин ҳам Сиз, азиз ўқувчиларнинг ишончини оқлаш учун барча саъй-ҳаракатларни амалга оширишда давом этади.